



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 48 (12.609)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



«Ташаббус-2014»

ЭНГ ИЛҒОРЛАР ЙЎЛЛАНМАГА ЭГА БЎЛДИ

Шу кунларда шаҳримиз туманларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантириш, шунингдек, соҳа вакиллари ҳар томонлама рағбатлантириш ҳамда уларни янги марралар сари илҳомлантиришда муҳим омили бўлаётган «Ташаббус-2014» кўрик-танловининг туман босқичлари бўлиб ўтмоқда.

Мазкур танловнинг навбатдагилари Яккасарой ва Шайхонтоҳур туманларида ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, «Ташаббус»да иштирок этувчилар сони йил сайин ортиб бормоқда. Иштирокчилар сонининг кўпайиши табиийки улар ўртасида рақобатни ривожлантиради. Шу боис танловда намоиш этилаётган маҳсулотлар сифати замон талабларига тўла жавоб беради. Бу эса кўриктанлов нуфузини юксалтирмоқда, энг фаол тадбиркор ва уста-ҳунармандлар ўртасида соғлом рақобатни янада кучайтирмоқда.

Танлов иштирокчилари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, кўрсатилган хизматлар, ҳунармандчилик буюмларининг кўргазмасида ҳам бу жиҳатлар ўзининг яққол ифодасини топганини кўриш мумкин.

— Танловнинг шаҳар босқичига чиқишни мақсад қилиб келган эдим, мана мақсадимга етдим, — дейди Яккасарой туманида «Энг яхши ҳунарманд» номига сазовор бўлган Алишер Убайдуллаев. — Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан миллий ҳунармандчиликимиз ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Бундай тадбирлар халқ усталарининг ўз истеъдодини намоиш этиши билан бирга ҳунармандчиликимиз ривожига ҳисса қўшишда муҳим омили бўлаётган.

Яккасарой туманидаги тадбиркорлар орасида «National invest» масъулияти чекланган

жамияти раҳбари Ойбек Ходжаев биринчи ўринни эгаллади.

Танлов якунига кўра, Шайхонтоҳур туманидан «Энг яхши тадбиркор» номинациясида «Magnum Medikal Servis» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Отабек Жиянбоев ғолиб деб топилди. «Энг яхши ҳунарманд» номига эса Тохир Ғозиев эга бўлди.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини йўлида яратиб берилаётган имкониятлар тадбиркорлик билан шугулланишимизда муҳим омили бўлмоқда, — дейди Отабек Жиянбоев. — Ана шундай эътибор самараси ва мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда фаолиятимиз кун сайин ривожланмоқда. Бугунги ютуғимиз корхонамиз жамоасига янада кўпроқ масъулият юклайди. Режаларимиз кўп, маҳсулот тури ва сифатини ошириш устида иш олиб бормоқдамиз. Тадбирнинг шаҳар босқичида ҳам муносиб иштирок этиб, яхши натижалар кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Тадбирда шунингдек, яна бир қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди, танлов ташкилотчилари томонидан уларга диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Биринчи ўринни эгаллаган тадбиркор ва ҳунармандлар танловнинг шаҳар босқичига йўлланма олдилар.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган сурат

Туризм

ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ БЕРЛИНДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Германия пойтахти Берлин шаҳрида бўлиб ўтган «ITB Berlin-2014» халқаро туризм кўргазмасида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти кенг намоиш этилди.

Юртимизнинг туризм соҳасидаги имкониятларини тарғиб этишга қаратилган бундай тадбирлар самарасида мамлакатимизга келаётган сайёҳлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Ватанимиздаги тинчлик-осойишталик, бағрикенглик ва фаровонлик бунда муҳим омили бўлаётган.

«Ўзбектуризм» миллий компаниясида маълум қилишларича, Берлин халқаро кўргазмаси энг йирик халқаро туризм анжуманларидан бири бўлиб, бу йил унда 188 мамлакатдан ўн мингдан зиёд фирма ва компания вакиллари иштирок этган. Кўргазмага икки юз минг нафарга яқин одам ташриф буюрган.

«Messe Berlin» кўргазма мажмуасида ўтказилган аънанавий анжуманда «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси, мамлакатимизнинг кўплаб сайёҳлик фирма ва компаниялари ўз хизматларини намоиш этди.

Ушбу нуфузли туризм форумидан ўрин олган «Ўзбекистон» стенди ўзига хос дизайни, миллий безаклари ва мазмунан бойлиги билан кўргазма иштирокчиларининг эътиборини тортиди. Мамлакатимизнинг қадимий шаҳарлари, диққатга сазовор жойлари ҳақидаги маълумотлар ва суратларни ўз ичига олган альбомлар, буклет ва нашрлар, халқ амалий санъати намуналари барчада катта таассурот қолдирди. Миллий куй-қўшиқларимиз ва ранг-баранг рақсларимиз ижроси, серкўёш заминимизда етиштирилган сархил медалар ҳамда миллий таомларимиз йиғилганларга ғоят манзур бўлди.

«ITB Berlin-2014» халқаро кўргазмаси мамлакатимиздаги сайёҳлик хизматларини халқаро туризм бозорларига тақдир этиш, ушбу соҳа вакиллариининг чет эллик ҳамкасблари билан ҳамкорлигини кенгайтириш имконини берди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

«General Motors Uzbekistan» янги «Chevrolet Orlando» оилавий автомобилни тақдим этди.

«ORLANDO» — ЯНГИ ЎЗБЕК АВТОМОБИЛИ

Янги автомобиль тақдироти пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган «Driver's Village» автосалонида бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, «General Motors» компанияси вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Бугунги кунда мамлакатимиз автомобилсозлик саноатида «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси таркибига қирадиган қирқдан орტიқ замонавий корхона фаолият кўрсатмоқда. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида ташкил этилган Ўзбекистон автомобилсозлик саноати ўтган 17 йилдан кўпроқ вақт давомида иқтисодийетимизнинг муҳим тармоғига айланди.

Айни пайтда дунёнинг кўплаб мамлакатлари кўчаларида қатнаётган «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси босилган юз минглаб автомобиллар иқтисодийетимизнинг юксак салоҳияти ва самарадорлигини намоиш этмоқда. Уларнинг сифати ҳориқлик ҳаридорларга ҳам ғоят манзур бўлмоқда.

«GM Uzbekistan», «СамАвто», «JV MAN Auto-Uzbekistan», «General Motors Powertrain Uzbekistan» ва бошқа корхоналарда енгил ҳамда юк автомобиллари, автобуслар, махсус машиналар, кенг турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилаётган. Ушбу корхоналар кучли рақобат шароитида автомобиль моделларини мунтазам такомиллаштириб бориш, сифатини янада ошириш устида доимий изланмоқда.

(Давоми 2-бетда)

имкониятлар яратилаётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 3 мартдаги қарорига мувофиқ бу йил 16 нафар иқтидорли кизга Зулфия номидаги Давлат мукофоти топширилгани мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш, кизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш йўлида кўрсатилган улкан ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Улар сафида бадий гимнастика, синхрон сузиш, кураш, таэквондо каби спорт турлари бўйича, адабиёт, маданият, санъат, таълим йўналишида ютуқларни қўлга киритиб, ушбу юксак мукофотга сазовор бўлган кизларнинг изланувчанлиги, билимга чанқоқлиги, фаоллиги тенгдошлари ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

Мазкур мукофот соҳибаларидан бири Шоҳсанам Усубжоновна Наманган вилояти Косонсой туманидаги 22-умумтаълим мактабининг 8-синфида ўқийди. У «Баёт», «Таронаи дугҳо» каби мақом йўналишидаги ашуллаларни маромига етказиб ижро этади. «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Санъат ғунчалари» каби кўрик-танловлар, болалар бадий ижодиёти фестивалининг фаол иштирокчиси.

(Давоми 3-бетда)

ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Шу кунларда таълим ва маданият муассасаларида бу йил Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган қизлар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан пойтахтимизда ана шундай маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Тадбир иштирокчилари дастлаб Зулфия ҳайкали пойғий гуллар қўйди.

Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган маърифий анжуманда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев, Касаба уюшмалари федерацияси

кенгаши раиси Т.Норбоева, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Ф.Ризаев, Ўзбекистон уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Сайид ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг тўлақонли билим олиши, касб-хунар сирларини эгаллаши учун барча шароит ва

ёшлар истиқболимиз келажаги» мавзусида тадбир ўтказилди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида «Наврўз қўшиқлари» мавзусидаги давра суҳбати бастакорлар ва шоирлар ҳамкорлигида уюштирилди.

да уюштирилди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида болалар адабиётини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, уларни

маънавий-жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялашга йўналтирилган адабиётларни мазмунан ва сифат жиҳатидан такомиллаштириш борасида белгиланган чора-тадбирлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейида «Иқтидорли



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Паркентлик Илҳом Исхрқов ўтган йили «Zara-sara» хусусий корхонаси фаолиятини йўлга қўйган эди. Бу ерда алюминий ва пластик профилдан тайёрланаётган кўп тизимли телевизор антенналари қисқа фурсатда ўз хариддорларини топди. Дастлабки муваффақиятдан руҳланган иxtи-рочи тадбиркор янги инновацион лойиҳа устида ишлаб, кўёш нуридан энергия тўплайдиган соябон иxtи-ро қилди. Сирти кўёш батареялари билан қопланган ушбу қурилма жуда қулай ва тежамкор бўлиб, асосан, қишлоқ жойларга мўлжалланган.

• Бухоро шаҳрида «Ташаббус – 2014» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда 45 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ўзининг 50 дан ортиқ маҳсулоти ва хизмат турлари билан иштирок этди. Кўриқда турли номинациялар бўйича ғолиб деб топилган иштирокчиларга танловнинг вилоят босқичига йўлланма берилди.

• Жиззах шаҳрида Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги олдидан театр кунлари ўтказилди. Тадбирда вилоятдаги маданият уйлари, касб-хунар коллежлари, умумтаълим мактабларида Миллий театрининг таниқли актёрлари иштирокида турли учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Театр кунларида вилоят ахли, айниқса, ёшларимиз санъатдан завқ олиш билан бирга, театр санъатимизнинг истиклол йилларидаги равнақи ҳақида кенг тасаввурга эга бўлди.

• Нурота туманида фаолият кўрсатаётган қурилиш ташкилотларида эндиликда йўл-транспорт хизматига кетадиган йиллик харажат 80 миллион сўмгача тежаланди деб бўлди. Бунга «Нурота йиғма бетон» масъулияти чекланган жамиятида темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши эвазига эришилди. Шу пайтгача бу турдаги бинокорлик ашёлари бошқа ҳудудлардан келтириларди.

ЖАҲОНДА

• АҚШнинг федерал текширув бюроси «лазерли безорилар»га қарши кураш икки ойлигини давом эттирмоқда. Шу муносабат билан самолёт учувчилари кўзига ердан туриб лазер нури ёрдамида шикаст етказиб «лазерли безорилар» ҳақида аниқ маълумот берганларга ўн минг доллар мукофот пули жорий этган. Бу тадбир «лазер безорилиги» кўп такрорланаётган 12 та йирик шаҳарда олиб борилмоқда. Маълумотларга қараганда, кейинги пайтда «лазер безорилиги» АҚШда анча ўсган. 2013 йили самолёт учувчилари 3960 та ҳолатда шундай безориликка дуч келган. Безориларни тутиш эса қийин кечмоқда.

• Автомобиль саноатида дунёга машҳур «Toyota» концерни Яманда ўз корхонасини бунёд этади. Бунинг учун «Toyota» мазкур давлатга 48 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритади. Ушбу маблағ эвазига автомобилларни сақлаш ва таъмирлашга мўлжалланган бир қанча шохобчалар қуриш режалаштирилган.

• Молдова соғлиқни сақлаш вазирлиги ўтган ойнинг бошида мамлакат бўйлаб эълон қилган ичкиликбозликка қарши кураш умуммиллий кампаниясини давом эттирмоқда. Ушбу кампания 2015 йил февралда якунланади. Умуммиллий кампания ҳаракатлари учун бюджет ҳисобидан 200 минг доллар маблағ ажратилди. Жорий йилнинг январида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги яна бир ташаббус билан чиққанди: алкоголь, ичимликлар, шу жумладан, пиво рекламасини бутунлай тақиқлаш юзасидан ҳукуматга тақдир қиритган.



Сарвар Ҳуснов (ЎА) олган сурат

«ORLANDO» — ЯНГИ ЎЗБЕК АВТОМОБИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислам Каримов томонидан мамлакатимизда Соғлом бола йили, деб эълон қилинган жорий йилда «GM Uzbekistan» компанияси яна бир янги автомобиль — «Chevrolet Orlando» оилавий минивэзтини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси мутахассисларининг таъкидлашича, бу мамлакатимиз автомобильсозлик саноати жадал ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Ўрта ўлчамдаги етти ўринли янги автомобиль «Chevrolet Cruze» русумидagi седан платформаси асосида яратилди. «General Motors Korea» жамоаси томонидан ишлаб чиқилган ушбу ихчам автомобиль ўзига хос ажойиб дизайни билан ажралиб туради.

Хоразм вилоятида ишлаб чиқарилаётган ушбу автомобиль 141 от кучига эга, 100 километрга ўртача 7,9 литр ёнгил қарфлайдиган тежамкор двигател ва олти поғонали автоматик трансмиссия билан жиҳозланган.

«Chevrolet Orlando» шинамлиги, салонининг кенглиги ва юк ташиш им-

кони мавжудлиги билан ҳам эътиборлидир. Буюмларни қўйишга мўлжалланган махсус жойларнинг кўпчилиги ҳайдовчи ва йўловчилар учун қўшимча қулайлик яратди. Приборлар панели эса кўплаб вазифаларни бажара олади.

Автомобиль олд ва ён томондан хавфсизлик ёстиқчалари, бошқарув рулининг паст-баландлигига қараб тор-мознинг ўз-ўзидан блоктировкага тушиб қолишига қарши тизим, орқа томонни кўриш учун ён кўзгалар, олд ўриндикларни тўрт томонга ҳам мослайдиган функциялар билан таъминланган. Шунингдек, ёмғир датчиги, ҳарорат, тезликни ҳайдовчи иштирокисиз назорат қилиш қурilmалари ва бошқа қулайликларга эга.

«General Motors»нинг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этган замонавий «Chevrolet Orlando» ўзининг ажойиб дизайни ва хавфсизлик тизими, юксак техник хусусиятлари билан нафақат Ўзбекистон, балки хорижий харидорларга ҳам манзур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

2014 йил — Соғлом бола йили

ЁШЛАРГА ОИД ЛОЙИҲАЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ушбу комиссия раиси А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда жамоат ташкилотларининг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилганини таъкидлади. Бу жараёнда Парламент комиссияси томонидан фуқаролик жамияти институтларининг долзарб ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа ва дастурларини ҳаётга татбиқ этишга яқиндан қўмаклашиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда.

2014 йилда давлат бюджетни ҳисобидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг лойиҳа ва дастурларини амалиётга жорий этиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш учун 8,2 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу ўтган йилга нисбатан 17,1 фоиз кўпдир. Ушбу маблағнинг 46,3 фоизи нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг муҳим масалалари ижросига кенг жалб этиш, «Келажаги

буюк — соғлом авлод» мавзусидаги грант танловларини ташкил этиш ва ўтказиш, лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Грант танловларининг яна бир муҳим жиҳати мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ёшларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, болалар, айниқса, қизларнинг спортга қизиқишини кучайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдан иборатдир. Шу билан бирга, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий дастурларини амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт даражасини янада яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд оилаларга қўмак бериш, аҳоли ва жамоат ташкилотларининг шахар, маҳалла, кўчаларни ободонлаштиришдаги фаоллигини ошириш, нодавлат тузилмалар ва давлат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш бўйича танловларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда бўлади. Айни пайтда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, демократик ислохотларнинг амалга оширилиши ва фуқаролик жамиятини рағбатлантириш жараёнларини ёритишга оид танловларни ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

(ЎА)

2014 йилнинг 1 июлидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет элга фақат биометрик паспорт билан чиқиши мумкин. Мазкур чора Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази директори **НАЖМИДДИН ТЎРАХЎЖАЕВ** ЎЗА муҳбирига мамлакатимиз паспорт тизимига киритилган бу янгилик ва мазкур ҳуқуқат қарорининг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб берди.

— Ўзбекистонда халқро намунадаги биометрик паспорт — унинг эгасининг фуқаролиги ва шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжатни расмийлаштириш ҳамда бериш 2011 йилдан бошланди, — дейди Н.Тўраҳўжаев. — Бу борадаги ишлар Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 23 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2011 йил 5 январда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари асосида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти — бу унинг эгаси шахсини ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканини тасдиқловчи ички муомаладаги ҳужжат бўлиб, биометрик идентификация воситаларига эга машина ўқийдиган расмий ҳаракатланиш, яъни ташқи муомаладаги ҳужжат вазифасини ҳам ўтайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти Халқро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) томонидан тавсия қилинган машина ўқийдиган ҳаракатланиш ҳужжатларининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

ИКАОнинг паспорт ва бошқа ҳаракатланиш ҳужжатларининг ягона халқро стандарт ҳамда хусусиятларини ишлаб чиқиш ваколати Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳам ратификация қилинган Халқро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенциядан (Чикаго конвенцияси) келиб чиқади. Мазкур конвенция фуқаро авиацияси парвозларини самарали амалга ошириш ва тартибга солиш учун қўйиладиган ва йўловчиларни чегара назоратидан ўтказишда текшириш ҳақидаги низомни ўз ичига олган кенг қўламли талабларни ўзида муҳассам этган. ИКАО Чикаго конвенциясига мувофиқ халқро фуқаро авиациясини хавфсиз ва тартибли ривожлантиришни таъминлашга қаратилган стандартларни тасдиқлайди, миллий паспортлар ва бошқа ҳаракатланиш ҳужжатларига қўйиладиган талаблар, шунингдек, бу талабларни бутун дунёда жорий этишга қўмаклашиш мақсадида тадбирлар, йўриқнома ва ҳуқуқий ҳужжатларни замонавий даражада ишлаб чиқади ҳамда маъқуллайди.

ИКАО машина ўқийдиган ҳаракатланиш ҳужжатининг стандартларини ишлаб чиқишда таянган низомга кўра, ваколатли давлат органлари йўловчиларни расмий текширишни соддалаш-

тирадиган бўлса, бу ҳолда ушбу органлар фуқароларнинг ҳаракатланиш ҳужжатлари ишончлилиги ва текшириш тадбирлари самарали амалга оширилаётганига ишонч ҳосил қилиши лозим. Бунинг ИКАОга аъзо барча давлатлар эътироф этди (ИКАО таркибига 191 давлат киради, Ўзбекистон Республикаси мазкур ташкилотга 1993 йилда аъзо бўлган) ва машина ўқийдиган ҳаракатланиш ҳужжатларини стандартлаштириш давр талаби эканини тасдиқлади.

ИКАО томонидан ишлаб чиқилаётган машина

БИОМЕТРИК ПАСПОРТ — ФУҚАРО ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ҲИМОЯСИ

ўқийдиган расмий ҳаракатланиш ҳужжатининг халқро хусусиятлари миллий ва халқро хавфсизликка қўмаклашган ҳолда, ушбу ҳужжат назоратини соддалаштиради ва унинг ҳақиқийлигини глобал миқёсда таъминлайди. Инсонни унинг ўзига хос физиологик хусусиятларини текшириш орқали, жумладан, интеграл схемада сақланган маълумотлар ёрдамида автоматик тарзда аниқлаш воситаларини жорий этиш (биометрик идентификация) авиакомпаниялар ҳамда ваколатли органлар ходимлари томонидан ўтказиладиган ҳудудий бўлимлари энгиллаштиради. Масалан, йўловчилар ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнини тезлаштиради, ҳуқуқий тартибга риоя этиш, машина ўқийдиган ҳаракатланиш ҳужжатларининг хавфсизлик даражасини оширади ва уларни сохталаштиришдан ҳимоя қилади, шу тариха ҳужжатнинг ҳақиқий эгаси учун сафарга чиқиш ҳамда чегара назоратидан ўтиш чоғида визани расмийлаштириш жараёнини энгиллаштиради.

ИКАОнинг DOC 9303 талабига биноан машина ўқийдиган расмий ҳаракатланиш ҳужжатининг интеграл схемаси ҳам биометрик идентификацияни амалга ошириш учун ҳужжат эгасининг шахсий маълумотлари қайд этилган саҳифани, ҳужжат эгасининг электрон фотосурати, шунингдек, бу ҳужжатнинг ҳақиқийлигини тасдиқлайдиган калит (сертификат)ни ўз ичига олиш ҳамда ундаги ахборот яхлитлигини таъминлаш лозим.

Биометрик ҳужжатни персоналлаштириш (тайёрлаш) ваколатига эга давлат органлари томонидан ҳужжатнинг келиб чиқиши ҳақиқийлигини (уни тайёрлаган мамлакат ёки орган) тасдиқловчи ва машина ўқийдиган расмий ҳаракатланиш ҳужжатининг интеграл схемасига ноқонуний ўзгаришлар киритилишига (сохталаштириш ёки фарибгарликка) тўсқинлик қиладиган ўзига хос калитларни (CSCA имзосини тасдиқлайди-

ган ваколатли миллий марказ сертификатларини) ишлаб чиқиш орқали ҳужжатнинг ҳақиқийлиги тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси шахсини тасдиқлайдиган биометрик паспорт Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази томонидан ИКАОнинг DOC 9303 талабларига мувофиқ персоналлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси биометрик паспортнинг чипи ахборотнинг очiq қисми (фотосурат, машина ўқийдиган қисмдаги маълумотлар ва имзоларни тасдиқлаш миллий маркази сертификати) ва ахборотнинг ёпиқ қисми (бармоқ излари) ўз ичига олади.

Замонавий халқро стандартлар ва талабларни ҳисобга олган ҳолда паспорт тизимини янада такомиллаштириш, халқро ўтказиш чегара пунктларида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг паспорт назоратидан ўтиш тартиб-қоидасини соддалаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилинишни таъминлаш мақсадида шу йил 6 февралда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ 2014 йил 1 июлдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши фақат биометрик паспортлар бўйича амалга оширилади. Давлат персоналлаштириш маркази, Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги чет элга чиқувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг биометрик паспорти ўз вақтида ҳужжатлаштирилиши таъминлаш лозим.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг ҳудудий бўлимлари ва Ташқи ишлар вазирлигининг хорижий давлатлардаги муассасаларининг маълумот тўплайдиган барча пунктлари биометрик паспортни расмийлаштириш масаласи бўйича фуқароларни режа асосида қабул қилишни ташкил этиш учун зарур ускуналар билан таъминланди.

Давлат персоналлаштириш марказида маълумот тўплаш пунктлари томонидан биометрик ҳужжат тайёрлаш ҳамда кейинчалик уни Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти асосида персоналлаштириш учун шакллантирилган электрон арiza олиш ва уларга ишлов беришни таъминлайдиган барча зарур техник ва технологик шароитлар яратилган.

Муҳтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси фуқаросида биометрик паспорт бўлса, бу халқро мезонлар талабларига риоя этишни таъминлайди, хорижий давлат органларининг мамлакатимиз фуқаросининг паспортига нисбатан ишончини оширади, чегара назоратидан ўтиш жараёнини энгиллаштиради, паспортнинг техник жиҳатдан ишончлилиги даражасини оширади. Зеро, ушбу ҳужжатларни тайёрлашда фуқаро шахсини тасдиқлаш нуктаи назаридан ҳужжатнинг ишончлилигини кафолатлайдиган технологиялардан фойдаланилмоқда.

Меҳрибон МАМЕТОВА
ёзиб олди

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан Савдо-саноат палатаси ҳамда партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида «Тадбиркорлар мулоқот форуми» партиявий лойиҳаси доирасида «Ўзбекистонда хусусийлаштириш соҳасидаги қонунчилик: муаммолар, ечимлар ва таклифлар» мавзусида семинар ўтказилди.

Ушбу тадбир «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланди. Семинарда O'zLiDeP аъзолари ва фаоллари, Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар, Олий ҳужалик суди вакиллари, олимлар, тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари таъкидлаганидек, қонун лойиҳаси давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепция»си ижроси доирасида ишлаб чиқилган. Унинг асосий мақсади — нодавлат секторнинг иқтисодиётдаги улушини янада кенгайтириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига хусусий инвесторларни жалб қилишни рағбатлантириш, салоҳиятли сармоядорларнинг барча тоифаларининг хусусийлаштириш жараёнида тенг равишда иштирок этишини таъминлаш, хусусийлаштирилган битимлар очилиги ва ошқоралигини таъминлаш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган.

Тадбирда шунингдек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти таъминликлари асосланган демократик, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш бўйича стратегик мақсадга эришиш доирасида хусусий секторнинг иқтисодиётдаги улушини ва унинг рақобатбардорлигини оширишнинг энг муҳим вазифаси сифатида давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди.

«Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси яратилиши жараёнида биз тадбиркорлар ҳам бевосита иштирок этаямиз ва ўз фикрларимизни билдираямиз, — дейди Тошкент шаҳридаги «Диком сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бурхон Аҳмеджонов. — Қонун лойиҳасининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, айтиш жоиз, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари учун давлат мулкнинг алоҳида турдаги объектларини, шу жумладан, паст ликвидли давлат мулки объектларини танлов асосида ноль қиймати бўйича харидорлар томонидан инвестицион мажбуриятлар бажарилиши шарт билан белгилангани ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бу тадбиркорлар, инвесторларга хусусийлаштириш жараёнида янада фаол иштирок этиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш имконини беради. Бу эса ўз ўрнида чет эл ва маҳаллий инвесторларни, шунингдек, янги технологияларни янада кенг жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш, шу билан бирга аҳоли даромадларини оширишни таъминлайди.

Семинарда давлат мулки объектларини хусусийлаштириш шартлари, ижтимоий ва инвестицион мажбуриятлар, муддатларга оид меъёрларни белгилаш масалалари қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Иштирокчилар томонидан ушбу меъёрларга иккинчи ўқиш таҳрири бўйича аниқ таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, жамоатчилик, тадбиркорлар ва экспертлар орасида қонун лойиҳасининг кенг муҳокама этилиши қонун чиқарувчиларга иккинчи ўқишга шундай ҳужжатни киритиш имконини берадики, у хусусийлаштириш объектлари жобидорлигини, салоҳиятли инвесторларнинг барча тоифалари учун тенг шароитлар яратилишини таъминлаш, хусусий мулк ҳуқуқи ва ҳимоясини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тадбиркорлар ва экспертлар фикрига кўра, «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнларини ҳуқуқий тартибга солишни сезиларли равишда яхшилайдиган, шунингдек, хусусийлаштириш шартлари ва усулларини танлашда субъектив ёндашувлардан узоқлашиш имконини беради, хусусийлаштириш жараёнининг очилиги ва ошқоралигини таъминлаган ҳолда унинг воситаларини салмоқли тарзда кенгайтиради.

(Ўз мухбиримиз)



ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР



(Давоми. Боши 1-бетда)

— Ушбу юксак мукофотга муносиб қўрилганидан чексиз бахтиёрман, — дейди Ш.Усубжонова. — Санъатнинг соҳри оламига кириб келаётган мендек оддий мактаб ўқувчисининг бу мукофот билан тақдирланганим янада кўпроқ ўқиш, изланиш, билдирилган юксак ишончга муносиб бўлишга ундайди.

Пойтахтимиздаги Турин политехника университетида бўлиб ўтган учрашувда мамлакатимизда улағиб келаётган авлоднинг соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш ва уларнинг салоҳиятини тўла рўйбга чиқариш Президентимиз Ислам Каримов юртимизнинг сийёсатининг устувор йўналишига айланган таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу йўналишда амалга ошириладиган ишлар кўламини кенгайтиришда дастуруламал бўлаётди.

Тадбирда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирокида мушоира бўлди, куй-қўшиқлар ижро этилди. Учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Н.УСМОНОВА,
Б.ХИДИРОВА,
Ў.А.МУХИБРА**

БАҲОР ЭЛЧИСИ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, «Олима аёллар» уюшмаси, Мирзо Улуғбек тумани хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида «Қизлар қалби — баҳор элчиси» мавзuida маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда олима аёллар, маънавий тарбиячилари, олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларида билим олаётган қизлар иштирок этди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори Н.Жумаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизларни ёзозлаш, уларга касб-хунар ўргатиш, саломадлигини муҳофазалаш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ёшлар, хусусан, ўқувчи ва талаба қизлар учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга оид амалий чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим асос бўлмоқда.

Мирзо Улуғбек тумани хотин-қизлар кўмитаси томонидан олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда ўқув масканларида таҳсил олаётган қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси, уларни ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказиш, талабалар турар жойларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, атрофини ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ёшлар — иллатларга қарши», «Ораста ва ташаббускор қизлар» каби ижтимоий лойиҳалар ўқув даргоҳларидаги маънавий муҳитни таҳлил этиб бориш, маҳалла, таълим масканлари, оилалар ўртасидаги ҳамкорлиқни тобора мустаҳкамлаш, ибратли аъналаримиз мазмун-муҳиятини ёшларга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда талаба-ёшларнинг ижодий кўргазмаси ташкил қилиниб, ижро ёшлар, бадий жамоалар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

(Ў.А.)

Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида Халқаро хотин-қизлар кўни байрамига бағишланган тантанали тадбир ўтказилди.

АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТ

Тадбирда Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби бошлиғи, генерал-майор Абдулла Қўлдошев, мактабнинг Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи ўринбосари, майор Нурирман Абулҳасан ва бошқалар юксак билим ва салоҳиятга эга ҳарбий кадрларни тайёрлашда муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча хотин-қизларни ва фахрий аёлларни байрам билан қутлашди.

— Мамлакатимизда хотин-қизларга, шу жумладан, ички ишлар идораларида жасорат кўрсатиб, миллий хавфсизлиқни таъминлаш соҳасида хизмат қилаётган ходималарга берилаётган эътибордан беҳад мамнунмиз, — дейди мактабнинг Хотин-қизлар кенгаши раиси, майор Хилола Темирова. — Бундай эътибор ва рағбатдан «Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!» деган шарафли ва муқаддас шиоримиз, қасамимиз билан янада жасорат, ғурур ва ифтихор ҳиссини туямиз.

Табриклардан сўнг тадбирнинг бадий қисми бошланди. Ички ишлар вазирлиги Ашула ва рақс ансамбллари ҳамда мактаб бадий ҳаваскорлик жамоасининг концерт

дастури, қизиқарли чиқишлари, «Ниҳол» мукофоти совриндори Дилшод Раҳмонов сингари таниқли эстрада хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар кечага ўзига хос байрам шукўҳини бағишлади.

— Пойтахтимиздаги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисмида 2009 йилда ҳарбий хизматни ўташ чоғида Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳрида яшовчи онамга Халқаро хотин-қизлар кўни байрами муносабати билан ёзган аскарлик мактубим мазмунини бир умр ёдимдан ўчмайди, — дейди Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабнинг 4-босқич курсанти Ғайратжон Абдураҳмонов. — Фурсатдан фойдаланиб, барча опа-сингилларимизни байрам билан муборакбод этаман. Мустаҳкам соғлиқ, самимий табасум, оилаларига тинчлик-хотиржамлик, қўйингки, дунёдаги жамийи эзгу тилаклар уларга армуғон бўлсин.

Тадбир давомида узоқ йиллардан буён мактабда самарали хизмат қилиб келаётган аёлларга эсдалик совғалари топширилди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
ЎзДЖТУ талабаси**

ИСТЕЪДОДЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

Мирзо Улуғбек технология касб-хунар коллежида Халқаро хотин-қизлар кўни байрами муносабати билан «Ораста қизлар» кўрик-танлови ташкил этилди.

дий иқтидорларини аниқлашдан иборат.

— Қизларимизнинг бугунги танловда бажараётган шартлари уларнинг эртанги ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этади, — дейди коллеж «Камолот» ЁИХ бошланғич таълим қисми, ташаббус ва лойиҳалар бўлими етакчиси Малика Назарова. — Албатта, ҳар бир қиз ва оила бекаси жисмонан соғлом, тиб-

бий тайёргарликка эга, чеварлик ва пазандаликдан ҳабардор бўлиши лозим. Шундай экан, бу каби тадбирлар қизларимиз учун ҳар томонлама фойдалидир.

Танловда ғолибликни қўлга киритган қатнашчилар коллеж раҳбарияти томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Абдували СОДИҚОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети

Қуйидаги бўш ўринларга танлов эълон қилади:

№	Кафедра номи	Кафедра мудири	Профессор	Доцент	Катта ўқитувчи	Ассистент (ўқитувчи)
САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ БОШҚАРИШ ФАКУЛЬТЕТИ						
1	Иқтисодиёт ва маркетинг			4	1	
2	Менеджмент			2	1	
3	Саноат дизайни				1	
4	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги			2	2	
5	Фалсафа			1	2	
6	Социология ва миллий ғоя		1	1		2
7	Иқтисодиёт назарияси					1
8	Ўзбекистон тарихи			2	2	1
ГЕОЛОГИЯ ВА КОНЧИЛИК ИШИ ФАКУЛЬТЕТИ						
1	Фойдаланиш геологияси ва қидирув ишлари					1
2	Геология, минералогия ва петрография					1
3	Гидрогеология ва геофизика					
4	Кончилик иши			1	1	
5	Металлургия					2
6	Маркшейдерлик иши ва геодезия	1		1		
7	Кончилик электр механикаси	1				1
8	Жисмоний тарбия					1
НЕФТЬ ВА ГАЗ ФАКУЛЬТЕТИ						
1	Нефть ва газ объектларини лойиҳалаш			1	3	2
2	Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва касб таълими (нефть ва газ иши)				1	
3	Нефть ва газ конлари геологияси ва геофизикаси		1	2	1	
4	Умумий қимм			1		
5	Атмосфер муҳофазаси				1	2
ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИ						
1	Иссиқлик энергетикаси	1		1		1

Арзизалар қабул қилиш муддати—эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой. Манзиллими: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси 2-уй, Тошкент Давлат техника университети-нинг бош биноси, 416; 211-хоналар.
Телефонлар: 246-46-00; 246-81-42; 246-61-17

«SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!
Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Бекобод ш. СИБ томонидан 12.08.2013 й. № 7443-сонли и.х.га асосан 1978 й. и.ч. «Ваз21011» д.р. 10М109АА. Бошланғич баҳоси — 2494120.60 сўм. «Бекободсавдо» МЧЖ сибдоридан савданомда. 2. Пискент т. СИБ томонидан 02.08.2010 й. № 4613-сонли и.х.га асосан 1984 й. и.ч. «Камаз3320» д.р. 1129600. Бошланғич баҳоси — 1898619.24 сўм. Пискент тумани «Бунёдкор» МЧЖда савданомда. 3. Пискент т. СИБ томонидан 19.09.2012 й. № 5893/5894-сонли и.х.га асосан 1978 й. и.ч. «Газ53» д.р. 11Х6605. Бошланғич баҳоси — 7962352.35 сўм. Пискент тумани ИИБ АМТФМНБга қарашли жарима майдонидан савданомда. 4. Пискент т. СИБ томонидан 26.08.2012 й. № 6797-сонли и.х.га асосан 1982 й. и.ч. «Автомобиль3362Маз3334» д.р. 11АС399. Бошланғич баҳоси — 5665751.55 сўм. Пискент тумани ПТЗ ОАЖ биносидан савданомда. 5. Пискент т. СИБ томонидан 12.08.2012 й. № 67226-сонли и.х.га асосан 1997 й. и.ч. «Мазм8940» д.р. 3002ЕД. Бошланғич баҳоси — 3867220 сўм. Пискент тумани Муротали к.ф.й.да савданомда. 6. Бекобод т. СИБ томонидан № 1264-сонли и.х.га асосан 1987 й. и.ч. «Ваз2106» д.р. 11Е5411. Бошланғич баҳоси — 1473000 сўм. Бекобод тумани ИИБ ДАНБ жарима майдонидан савданомда. Аукцион савдоси 2014 йил 11 апрел кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегшли суд икдорлари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб савдога қўйилган. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабдорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдоридан кам бўлмаган залат пулини тўлов ҳужжатида икдор ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS» МЧЖнинг «ASIA ALLIANCE BANK» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020 8000 6002 7414 4001, МФО: 01103, СТИР: 302757392. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси (мулк) қийматининг 5 банк кўни мобайнида тўлашга тўлаш шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Тафаккур 1-тор кўчаси, 2-уй, 1-хонадон. Телефон/факс: (871) 215-54-59. Ҳуужома № 007558. 27.11.2013 й.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофазаси қилиш вазирлигининг 2005 йил 24 мартдаги 04/ҚҚ 01-76, 01/1184-сон қўшма қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси, Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 мартда 1461-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директори ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларнинг бўш лавозимларни эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги Низомга асосан

Тошкент Давлат техника университети ҳошидаги 5-сонли академик лицейнинг вакант (бўш) бўлган

ДИРЕКТОР ЎРНИБАСАРЛАРИ ЛАВОЗИМИГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таъ-

лим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2012 йил 30 декабрдаги 341-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўрта махсус касб-хунар таълими тизими ҳодимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари» малака талабларига асосан танловда

а) ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига академик лицей таълим йўналишларидан камида биттаси бўйича ёки умумтаълим фанлари бўйича олий таълим, таълим тизимидagi (педагогик ўқув-тарбиявий ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стаж 5 йилдан кам эмас, малакавий даражаси катта ўқитувчидан кам эмас.

Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1. Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Таълим муассаса директорининг тавсия хати;
3. Маълумотнома (объективка);
4. Сўровнома;

5. Таржимаи ҳол;
6. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксеронусхаси (нотариус томонидан тасдиқланган бўлиши керак);
7. Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатлар ва уларнинг ксеронусхаси (мавжуд бўлса);
8. Илмий-услубий ишлар ва иштироклар рўйхати мавжуд бўлса;
9. 3x4 ўлчамдаги фотосурат (6 дон);
10. Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича иштирок шаклда ёзган режа (концепцияси);
11. Ҳарбий вужоҳнаманинг ксеронусхаси;
12. Паспорт ва унинг ксеронусхаси (турар жой билан);
13. Меҳнат дафтарчасининг ксеронусхаси (кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган бўлиши керак);
14. ИИБдан маълумотнома.

Ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб, 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй, индекс: 100100.

ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ, ДИЗАЙН СТУДИЯЛАРИ, КОНСТРУКТОРЛИК БҮРОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик компанияси Тошкент шаҳар ҳудудидаги автобус йўналишлари оралиқ бекатлари лойиҳаси бўйича

ТАНЛОВ ЎТКАЗАДИ

Лойиҳа танловда иштирок этиш учун оралиқ бекатнинг кўргазма тасвири (режа, фасад ва истиқболдаги кўриниши), техник-иқтисодий кўрсаткичи ва таннарх ҳисоб-таҳлили бўлиши шарт.

Танлов эълон матбуотда чоп этилганидан сўнг 20 кундан кейин ўтказилади.

Танлов ғолиби билан Тошкент шаҳар ҳудудидаги автобус йўналишлари оралиқ бекатларини лойиҳалаштириш шартномаси тузилади.

Танловда иштирок этиш ва маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй, 6-қavat, 603-хона, тел.: 233-57-07

“Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик компанияси

Болалар спортининг ривожланиши мамлакатимиз ёшларининг жисмоний ва маънавий баркамолликка эришишида муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Иқтидорли спортчиларимизнинг турли нуфузли мусобақаларда эришадиган ютуқлари салмоғи йилдан йилга ортиб, Ватанимиз доғруғини бутун дунёга таратаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, шахару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шугулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Бугун мамлакатимизда икки миллионга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан шугулланмоқда. Улар соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етаётди. Спорт орқали фарзандларимизнинг иродаси тобланмоқда, турмуш тарзи, дунёқараш ўзгармоқда.

Енгил атлетика — саломатлик гарови

Олимпия дастуридан жой олган енгил атлетика ҳам мамлакатимизда тобора ривожланиб, ўғил-қизлар ўртасида оммалашиб бораётган спорт турларидан. Спортга оид қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши юртимизда енгил атлетика ривожини янги босқичга кўтарди.

Енгил атлетика юриш, югуриш, сакраш, улоқтириш ва кўпқураш каби йўналишларни ўз ичига олиб, унинг ҳар бир тури кишининг жисмоний ва руҳий ҳолатига, саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади. Жумладан, тиббиёт мутахассисларининг таъкидлашича, енгил атлетика инсон саломатлигига фойдали бўлган барча машқ турларини ўзидан муассамлаштирган. Ушбу спорт тури организмнинг функционал имкониятларини ошириб, тананинг уйғун ривожланишига ёрдам беради. Енгил атлетика билан шугулланувчилар жисмонан бақувват, тана ва вази мутаносиб, чайир, соғлом бўлиш билан бирга, тез ва аниқ ҳаракат қилиш қобилияти юқори, иродаси мустаҳкам инсонлар бўлади.

Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси томонидан ушбу спорт турини ўғил-қизлар ўртасида кенг оммалаштириш ва шу орқали уларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш борасида салмоқли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, федерация бўлиmlарининг самарали фаолият юритаётгани жойларда енгил атлетикани ривожлантириш, турли мусобақалар ўтказиш, иқтидорли ёшларни саралаш ва терма жамоалар талабига жавоб берадиган спортчилар қилиб тайёрлаш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш имконини бермоқда.

Бугунги кунда юртимиздаги ўғилдан зиёд болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг енгил атлетика секцияларида, республика ва вилоятлардаги олий спорт маҳорати мактаблари, олимпия заҳиралари коллежлари, Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона, Наманган, Самарканд, Қашқадарё вилоятларида ташкил этилган ихтисослаштирилган спорт мактабларида енгил атлетика билан шугулланувчилар эллик минг нафардан ошди. Уларга 400 нафарга яқин юқори малакали мурабий енгил атлетика сирларини пухта ўргатмоқда.

2013 йил ноябрь ойида Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси билан Халқаро енгил атлетика федерацияси (IAAF) ўртасида тузилган ҳамкорлик меморандумига асосан 2014-2016 йилларда мамлакатимизда енгил атлетикани болалар ўртасида ривожлантиришга қаратилган ўқув-семинарлари ва мусобақалар дастури ишлаб чиқилди. Дастурга мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудларида ташкил этиладиган мазкур тадбирларга ўн минг нафарга яқин ўқитувчи-мурабий, 400 минг нафарга яқин мактаб ўқувчиси жалб этилади. Бу тадбирларни ўтказиш учун IAAF томонидан 20 турдаги енгил атлетика инвентарларини ўз ичига олган кўма ускуналар жамланмалари ажратилди.

Тадбирларнинг дастлабкиси шу йил 17-18 январь кунлари пойтахтимиздаги қирққа яқин умумтаълим мактаби ўқувчи ва ўқувчилари иштирокида ўтказилди. Унда ўқувчи-ёшлар енгил атлетиканинг ўзига хос жиҳатлари ва фойдали томонлари ҳақида маълумот олиш билан бирга, мусобақада иштирок этиб, ушбу спорт турига қизиқиши янада ортиди.

Парвоз майдони

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда жорий этилган уч босқичли спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари минг-минглаб ёшларимиз учун катта спортда юксак марраларни эгаллашда ўзига хос парвоз майдонига ай-

Қарор ва ижро

ЮКСАК ҒАЛАБАЛАР АСОСИ



(ЎзА) олган суратлар

ланди. Спорт ўйинлари ўтказиладиган ҳудудларда янгидан қурилган, реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилган спорт иншоотлари, стадионлар, сузиш ҳавзалари ушбу ҳудудда қатор спорт турларининг ёшлар ўртасида оммалаштиришга, пировардида иқтидорли спортчиларнинг етишиб чиқишига хизмат қилаётди.

Масалан, авваллари енгил атлетика бўйича терма жамоамиз аъзоларининг аксарият қисмини пойтахт вакиллари ташкил этган бўлса, эндиликда жойларда барпо этилган стадионлар, енгил атлетика манежларида шугулланаётган минглаб ўғил-қизлар орасидан моҳир спортчилар етишиб чиқмоқда. Мамлакатимизнинг ўсмирлар, ёшлар ва катталар терма жамоаларига деярли барча ҳудуддан 240 нафардан зиёд спортчи аъзо экани бунинг ифодасидир.

Спортнинг бу тури «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари дастурига киритилган. Ушбу мусобақаларда маҳорат ва тажриба оширган енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолибаси Светлана Радзивиц, Осиё ўйинлари ғолибаси Юлия Тарасова, Осиё чемпионати ғолиб ва совриндорлари — Екатерина Воронина, Дарья Резниченко, Руслан Курбонов каби моҳир атлетларимиз бугунги кунда жаҳон майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётди.

Мақсад — Олимпиада ғолиби бўлиш

— Спортчилик фаолиятимда 2013 йили Бухорода ўтган Универсиада мусобақаларида қозонган ғалабам муҳим аҳамиятга эга, — дейди самарқандлик Руслан Курбонов. — Ниятим, Олимпиада ўйинларида иштирок этиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтаришдир. Бунинг учун юртимизда барча шарт-шароит яратилган.

Енгил атлетикачиларимиз 2016 йили Бразилияда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларида муносиб иштирок этиш учун пухта ҳозирлик кўрмоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзи Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарорида бу борадаги муҳим вазифалар белгилаб берилган. Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик қўриши ва муносиб иштирок этиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда.

— Терма жамоамиз аъзолари пойтахтимиздаги «Ёшлик» спорт мажмуаси, Республика олимпия заҳиралари коллежи, Тошкент вилоятидаги «Янгиобод» ўқув-машғулотлари базасида нуфузли мусобақаларга тайёрланмоқда, — дейди Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси раиси ўринбосари Камолиддин Рўзамуҳамедов. — Давлатимиз раҳбарининг қарорига мувофиқ спортчиларимиз учун «Пахтакор» стадиони ҳудудда янги, барча қўлайликларга эга енгил атлетика базаси қурилмоқда ва уни жорий йил фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Машғулот ўтказиш майдони, ошхона, ётоқхона, тренажёр зали каби зарур иншоотларни ўз ичига олган янги база ишга тушган, спортчиларнинг тайёргарлик даражаси янада юқори савияга кўтарилиши шубҳасиз.

Спортчиларнинг халқаро миқёсдаги тажрибасини ошириш юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. 2013 йили терма жамоамиз аъзолари Туркия, Польша, Россия, Эстония, Таиланд ва Малайзия каби давлатларда ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинларида қатнашди. Мураббийларнинг малакасини ошириш учун юртимизда Германия, Россия ва Эстония давлатлари етакчи мутахассислари иштирокида ўқув-семинарлари ўтказилди.

Бунинг самарасида енгил атлетикачиларимизнинг нуфузли мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқлари салмоқли бўлмоқда. Биргина 2013 йили халқаро миқёсдаги нуфузли турнирларда енгил атлетикачиларимиз 45 олтин, 70 кумуш ва 36 бронза — жами 151 медални қўлга киритди.

Ўтган йили Хиндистоннинг Пуна шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учта олтин, тўртта кумуш ва битта бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади. Чехия, Хитой ва Қозғистонда ташкил этилган халқаро турнирларда ҳам юқори натижалар кайд этилди. Таиланд ва Шри-Ланкада ўтказилган Осиё Гран-приси босқичларида Дарья Резниченко, Юлия Тарасова, Гўзал Хубиева, Надия Дусанова, Бобур Шокиржонов ва Григорий Камуля ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

2014 йилги спорт масъуми ҳам атлетикачиларимиз учун омалди бошланди. Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида ўтказилган енгил атлетика бўйича ёпиқ иншоотлардаги VI Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учта олтин, учта кумуш, иккита бронза — жами саккизта медални қўлга киритди. София Бурхонова ядро улоқтиришда, Светлана Радзивиц баландликка сакраш, Анастасия Журавлёва ўн хатлаб сакраш баҳсларида олтин медал билан тақдирланди. Чемпионатда Александр Котлярова, Дарья Резниченко, Юлия Тарасова, Леонид Андреев, Руслан Курбонов ҳам совринли ўринларни эгаллади.

Жорий йилда спортчиларимиз Олимпия ўйинларига тайёргарлик дастури доирасида Дания, Польша, АҚШ, Япония ва Таиланд каби қатор давлатларда бўлиб ўтадиган жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирларда иштирок этади. Жумладан, Хитойнинг Нанкин шаҳри мезбонлик қиладиган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинлари ҳамда Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказиладиган XVII Осиё ўйинларида муносиб қатнашиш учун жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Ушбу мусобақаларда енгил атлетикачиларимиз юртимиз спорт салоҳиятини намойён қилиб, Ватанимиз обрўсининг янада юксалишига муносиб ҳисса қўлиши, шубҳасиз.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎЗА муҳбири

Қатрлар

БАҲОР ҚУВОНЧИ

Похолга ўралган тоқ новдаларининг қуртаклари бўртиб, кўз очяпти. Ҳадемай қўлбоғлари ечилади. Чақа-лоқнинг қўл-оёқларидай питирлаб яйрайди. Пахса деворга ияғини тираган обиновотнинг қуртаклари ҳам хиёл табассумда.

— Шукр, қишдан омон чиқибди, тез орада мевасини татиймиз, — офтобли айвондан баҳор дарақчиларига боққан Зухра опанинг юзидан мамнулик табассуми. Ҳар хил юмушдаги болажонларини дил ёзишга қорлайди:

— Қани, баҳорни ким нимада кўради?

— Баландларда дириллаб ўчган варрагимда кўраман, — дейди Бахтиёр.

— Соҳларимизга тақилдиган тол баргакларида кўраман, — дейди севинчини яширолмай Шоира.

— Мен-чи, — дейди кўзичоқдек дириллаб Карим, — баҳорни дадаларнинг даладаги қулпунчаларида кўраман. Қип-қизарса еб сираям тўймайман-да.

— Ойи, ойи, мен-чи, — дейди онашонига талпиниб Саодат, — баҳорни сумалакда кўраман. Ўтган йили ялаб, маза қилганман.

— Оҳ, онангиз айлансин сиздан, — онанинг қувончи ичига сийма болаларини бир-бир ўпиб қучади, — ҳар ким ўзи билган, суйган нарсасида баҳорни кўрса — бу жуда яхши.

Сумалакка қолганда жиндек хомуш тортиди она. Оғир, аянчли кунлар. Уруш юртдаги кут-баракани аждаҳодек домига тортган. У ҳозирги энг кичик неварасидек ёш эди ушунда. Кетмончи онасига эргашиб, даладан қолмасди. Шийпон ёнидаги дошқозоннинг атала қирмочини талашарди тенгқурлари билан ўйнашиб.

Онаси фашистни қарғаб, «отасининг меҳрига тўймай ёлғизимнинг кўнгли ярим», дея тансиқ наҳар бўлса унга илларди энг олдин. «Илик ўзилди» баҳор кун. Холиқудрат биров қосада, биров тоғорада сумалакчи кампирнигина ун кўтариб чиқди. Лоақал бир ҳовчун билан кампирни йўқолмаган онаси сумалак йиғинидан тортишиб, қизалоғини юпатади: «Ер юткур фашистнинг гўри яқин қопти. Эл тинч, замон омон бўлса, ҳаммаёқ яна маъмурчиликда, болам. Сумалакни ўзим қилиб бераман».

Зухра опа ўзини саодатли кунларга «тишида тишлаб» етказган онасини, шу бахтли кунларни деб жон берган отасини ҳўрсиниб эслади. Қўзларида қалқиган ёшни сездирмайгина артиб, болаларининг гулгун юзларига боқди:

— Биласизми, — деди у дадилланиб, мен баҳорни нимада кўраман? Шодликларингизда кўраман. Биз кўрган ёмон кунларни зинҳор кўраман: урушнинг номи ўчсин. Юзингиздан қулгу аримасин, ҳеч. Қувончингиз мен учун бир олам баҳор!

ҚАДР

Наврўз қир бағрида гилам ёйди. Ипаклари рангдор гиёҳлар-у қуёш нури тиллодан. Гиламлар оша ошман билан лозазорга етдик. Қирмизи қосасидан баҳор шодлиги тошиб турган лолаларни тўйиб-тўйиб ҳидладик. Қуноққа тердик, сўнг офтобруй жойда хотирхам ястаниб, гўзал сепга маҳлиё бўлдик. Қуёшнинг ёнимиздаги бир дунё лолаларга ўтказган «ҳукмини» ҳам сезмаппиз. Боя қўзғилиши кўнглини очилиб турган лолалар энди ҳорғин жилмағар...

Кейинги дам олиш кун. Гоҳ бир лолага етингунча, ўнгур қиялардан ўтолмай товоғлар тешилади. Шунда миямга қув этиб зирқроқ юрди.

— Қани, юр, кетдик, — қўстайман ошманни.

— Терган лолаларимнинг офтобда ранги ўчмасдан уйга етиб олайлик.

Ошман хахалаб қулади:

— Қор лоласига қараганда бунисини қадрлаб қолдинг? Тоғ лоласини тургунингча қийналиб тер тўқдинг-да-а?

ЎЗИДАН КЕЧИБ

Қизил атиргуллар кеча кечқурун тугунчаларига қул-гуларини яширолмай майин табассум ила туришганди. Қирмизи лабларини пирпиратиб, шўх қизлардек хандон этиб жилмайганча қўёшдан эрта уйғонишди.

Шаҳарлик меҳмонлар гулларнинг бандидан ушлаб, узишга қўзлари қиймай димоғларига тутишади. Гуллар меҳмонларнинг қўл ёнларига тегиб тебранади, бир зумда ифори кенг ҳовлини тўтиб қетади.

— Ичига атир қўшиб экканмиз, — ҳазиллашади биринчи меҳмон менга. Менинг ҳам гулим очилишга очилган-у лекин бужмайганроқ, — дейди иккинчи меҳмон. Ававал наъматакни мактанлар, кейин, — дедим мен хаёл оғушида. Қани, кўринмайди-ку, ён атрофга аланлашади меҳмонлар.

— Сиз ёқтирган гулларни наъматакка пайванд қилганман, — уланган жойини қўлим билан кўрсатдим уларга. — Ҳа, аввал шуни мактанлар. Негаки, у ўзидан кечиб, дўстларим гўзалликда айнимасин, одамлар хизматидан толмасин, яхшисини ошириб яшай, деб меҳнат қилаяпти-да.

Ғани АБДУЛЛАЕВ,
боғбон

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Давлат техника университети раҳбарияти ва жамоаси Энергетика факультети «Электр техника, электр механика ва электр технологиялар» кафедраси катта ўқитувчиси Муракам МИРСАЙДОВГА отаси

Мирхомул МИРСАЙДОВНИНГ

вафоти муносабати билан қуқур таъзия билдиради.



Тошкент шаҳрида 12 март кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғинларнинг бўлмайдиган. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 1-3 даража илқ, кундузи — 15-17

даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 12 ва эртада 13 мартда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратди. Атмосферанинг флосланиш даражаси 1-3 фойз қўлағиши тахмин қилинмоқда, таъқиқдори паст бўлади.

Спорт янгиликлари

Спортнинг тош кўтариш тури бўйича мамлакатимиз вакилларининг бутун жаҳонда ўз ўрни бор албатта.

ТОШКЕНТ — МУСОБАҚА МЕЗБОНИ

Чунки ушбу спорт тури бўйича қитъа ҳамда жаҳон чемпионатларида ҳамкорларимиз доимо кучлилар сафида эътироф этиб келинади.

Апрель ойида айнан ушбу спорт тури бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Қувончлиси, мазкур нуфузли турнирни пойтахтимиз Тошкент шаҳри мезбонлик қилади.

МУХЛИСЛАР БИЛАН УЧРАШИШДИ

БААда спортнинг паралимпия йўналиши бўйича енгил атлетика бўйича халқаро турнир ўтказилганидан мухлисларнинг хабари бор албатта.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Олимпия шон-шўхрати музейида паралимпиячлар билан учрашув ўтказилди. Унда БААда енгил атлетика бўйича ўтказилган мусобақаларда 8 та олтин, 3 та кумуш медал билан тақдирланган спортчиларнинг мусобақа бўйича таассуротлари тингланди.

Шунингдек, яқиндаги Сочида ўтказилган кўши Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Ксения Григорьева билан ҳам мухлислару мутахассисларнинг учрашуви ташкил этилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Маълумки, бугунги кунда аҳоли сиҳат-саломатлиги, айниқса ўсиб келаётган ёшларнинг тиббий саводхон, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиққан ҳолда уларни турли хавфли ва юқумли касалликлардан асраш, оғоҳ ва сезгир бўлишга чақиритиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида кўп савий-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

суб ёввойи ва уй ҳайвонлари, шунингдек, одамлар ҳам касалланиши мумкин. Уй ҳайвонларидан итлар, айниқса қаровсиз қолган итлар ва мушқлар қўз касаллигиди. Қутурган ҳайвон касаллик кўзгатувчи манба ҳисобланади. Касаллик асосан бевосита контакт йўли билан юқади. Ит ва бошқа уй ҳайвонларининг, шунингдек ёввойи ҳайвонларнинг тишлаши нима учун хавфли? Биринчидан, тишлаган ҳайвон узок вақт даво-ланиш керак бўладиган жараҳат қолдиради. Иккинчидан, ачинар-лиси, ҳайвон тишлаганда, киши-ни шубҳасиз ўлимга олиб бору-чи қутуриш касаллиги вирусини юқтириши мумкин.

Шунинг учун ҳам шахар ва ту-ман ветеринария бўлиmlари то-монидан турли кўнгилсизликлар-нинг олдини олиш, нимадларга эътибор қаратиш, кўчаларда ва

бошқа жамоат жойларида эгасиз юрган итлар ва мушқлар, ҳатто бўйинбоғи, жетони ва тумшукбоғи бўлган тақдирда ҳам тутилиши ло-зимлиги ҳақида таъминотиш иш-ларини олиб бормоқдалар.

Албатта бу борада фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш орган-лари яқиндан ёрдам беришлари, ветеринария бўлиmlарига қу-туришга қарши ўз вақтида вакцина-ция қилиш учун итларни саклай-диган фуқаролар тўғрисидаги маъ-лумотларни топишишлари керак. Агар аҳоли томонидан барча хавфсизлик қоидаларига риоя қилинса ва мутасадди ташкилот-лар ўзларига юклатилган вазифа-ларни тўлиқ, бажарсалар барча кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олиниб, инсонлар соғлиғи муҳо-фазда бўлади.

Тошкент шаҳар давлат вете-ринария бошқармаси



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 356

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ёшлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 14170 нускада босилди. Қўғоз бичими А-2

Топириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топирилди: 14.40

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ